

XI. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ ВА БАНДЛИК

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг 1 апрель ҳолатига вилоят доимий аҳолисининг сони 3 631,0 минг кишини ташкил этиб, йил бошидан 55,7 минг кишига ёки 1,5 фоизга кўпайди. Шундан, 2 055,6 минг киши – шаҳар жойларида (жами аҳоли сонининг 56,6 фоизи) ва 1 575,4 минг киши – қишлоқ жойларида (43,4 фоизи) истиқомат қилади.

Фарғона вилояти ҳудудлари бўйича доимий аҳоли сони тўғрисида маълумот (2018 йилнинг 1 апрель ҳолатига)

	Доимий аҳоли сони, минг киши			Доимий аҳоли сонининг ўсиш суръати, фоизда		
	жами	шу жумладан:		жами	шу жумладан:	
		шаҳар	қишлоқ		шаҳар	қишлоқ
Фарғона вилояти	3 631,0	2 055,6	1 575,4	101,6	101,4	101,8
Фарғона ш.	279,8	279,8	х	101,5	101,5	х
Кўкон ш.	246,0	246,0	х	101,0	101,0	х
Қувасой ш.	90,5	50,8	39,7	101,6	101,6	101,5
Марғилон ш.	228,8	228,3	х	101,3	101,3	х
Олтиариқ	203,7	154,2	49,5	101,4	101,3	101,6
Кўштепа	182,6	72,3	110,3	101,7	101,1	102,1
Бағдод	206,4	106,7	99,7	101,8	101,7	101,8
Бувайда	218,9	107,6	111,3	101,6	100,6	102,7
Бешариқ	219,7	77,2	142,5	101,5	101,6	101,5
Қува	249,0	115,6	133,4	101,6	101,6	101,6
Учкўприк	219,5	39,9	179,6	101,8	101,8	101,8
Риштон	194,6	125,1	69,5	101,8	101,5	102,4
Сўх	75,0	47,8	27,2	101,8	101,5	102,3
Тошлоқ	194,1	45,3	148,8	101,8	101,1	102,0
Ўзбекистон	229,9	100,0	129,9	101,7	101,4	101,9
Фарғона	205,2	128,2	77,0	101,3	101,6	100,8
Данғара	167,0	38,9	128,1	101,6	101,6	101,6
Фурқат	114,1	27,0	87,1	101,6	101,5	101,6
Ёзёвон	106,2	64,4	41,8	101,6	101,6	101,7

**Январь–мартда вилоят бўйича аҳолининг
табiiй ҳаракати коэффицентлари**


Кўрсаткичлар	минг киши		1000 аҳолига нисбатан	
	2017 йил	2018 йил	2017 йил	2018 йил
Туғилганлар	15,5	15,2	17,7	17,0
Ўлганлар	4,4	4,0	5,0	4,4
<i>шу жумладан</i>				
бир ёшгача болалар	0,1	0,1	6,4	6,2
Никоҳлар, мингта	4,7	5,4	5,3	6,1
Ажралишлар, мингта	0,9	0,9	1,0	1,0

Туғилиш даражаси. 2018 йилнинг январь–мартида туғилганлар сони 15,2 минг кишини ташкил этди ва 2017 йилнинг шу даврига (98,0 минг киши) нисбатан -0,3 минг кишига камайди, шунга мос равишда туғилиш коэффиценти 17,0 промиллени ташкил қилди.

Туғилиш даражасининг камайиши вилоятнинг 14, 0 дан 16,0 промиллега. Фарғона шаҳрида, Бешариқ, Қува, Сўх. Марғилон, Қўқон,шаҳарларида , Қувасой шаҳрида , Ёзёвон туманларида, Фуркат туманида, Ўзбекистон туманида, Риштон, Бағдод, Бувайда, 16,0 дан 19,0 промиллега, Олтиарик туманида. Фарғона туманида 20,0 дан 19,0 промиллега камайиш кузатилди.

Аҳолининг табiiй ҳаракати коэффиценти

2018 йилнинг январь–март ҳолатига (1 000 аҳолига нисбатан, промилле)




Ўлим даражаси. 2018 йилнинг январь-мартида ўлганлар сони 4.0 минг кишини ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (4,4 минг киши) нисбатан -473 кишига камайди. Мос равишда ўлим коэффиценти 4,4 промиллени ташкил қилди (2017 йил январь-мартида 5,0 промилле).

Ўлганлар сонининг камайиши Фарғона, Қувасой, Марғилон Қўқон (6,0 дан 4,0 промиллега) шаҳрида, Олтиариқ, Риштон, туманларида. Данғара, Фурқат (5,0 дан 4,0 промиллега), шаҳарлари, , Қўштепа, Бағдод, Бешарик, Кува, Учқўприк, Тошлок, Ёзёвон (5,0 дан 4,0 промиллега) туманларида кузатилди. Бувайда ва Сўх(4,0 дан 3,0 промиллега) туманларида кузатилди.

Ўлганлар умумий сонидан 65,3 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 7,8 фоизи - ўсма касалликларидан, 6,2 фоизи - овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 3,8 фоизи - нафас олиш органлари касалликларидан вафот этган.

Ўлганлар умумий сонининг таркибий тузилиши (2018 йилнинг январь-март ҳолатига, фоизда)



Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-мартида бир ёшга тўлмаган 115 та болалар ўлими кузатилди. Болалар ўлими коэффиценти 6,2 промиллени ташкил қилди (2017 йилнинг январь-мартида 6,4 промилле).

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 45,2 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 18,2 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 27,8 фоизи – туғма аномалиялардан ва 4,3 фоизи инфекция ва паразитлар билан касалланганлиги сабабли вафот этган.

Никоҳлар ва ажралишлар. 2018 йилнинг январь-мартда ФХДЁ органларида 5,4 минг та никоҳлар ва 0,9 минг та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 6,1 та никоҳ (2017 йилнинг тегишли даврида 4,7 та) ва 1,0 та ажралишлар (2017 йилнинг тегишли даврида – 0,9 та) тўғри келади.

**Январь–мартда тузилган никоҳлар
ва никоҳдан ажралишлар сони**
(бирликда)

	Тузилган никоҳлар		Никоҳдан ажралишлар	
	2017й.	2018й.	2017й.	2018й.
Вилоят	4 705	5 426	886	879
<i>шаҳарлар:</i>				
Фарғона	259	273	115	102
Қўқон	274	347	119	105
Қувасой	73	95	33	28
Марғилон	132	127	60	52
<i>туманлар:</i>				
Олтиариқ	283	322	31	29
Қўштепа	124	155	30	30
Бағдод	291	372	41	47
Бувайда	258	302	42	46
Бешариқ	493	618	62	46
Қува	358	417	57	59
Учкўприқ	304	296	43	32
Риштон	327	371	28	52
Сўх	164	198	10	19
Тошлоқ	162	178	37	41
Ўзбекистон	394	466	50	66
Фарғона	265	293	51	42
Данғара	245	271	27	31
Фурқат	185	222	30	34
Ёзёвон	114	103	20	18

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-март ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 3726 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 4222 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 496 кишига (2017 йилнинг шу даврида – минус 574 киши) тенг бўлди. Энг катта минус қолдиқлар Марғилон шаҳрида (минус 270), Фарғона тумани (минус 259), Қўқон шаҳрида (минус 260) кузатилди.


Январь–мартда аҳолининг миграция кўрсаткичлари
(киши)

	Келганлар		Кетганлар		Миграция сальдоси	
	2017й.	2018й.	2017й.	2018й.	2017й.	2018й.
Вилоят	3 749	3 726	4 323	4 222	-574	-496
<i>шаҳарлар</i>						
Фарғона	1 162	1 152	578	504	584	648
Қўқон	321	260	435	520	-114	-260
Қувасой	50	94	80	105	-30	-11
Марғилон	303	115	388	385	-85	-270
<i>туманлар</i>						
Олтиариқ	50	87	121	135	-71	-48
Қўштепа	112	191	212	171	-100	20
Бағдод	231	186	250	192	-19	-6
Бувайда	156	120	199	218	-43	-98
Бешариқ	77	109	155	180	-78	-71
Қува	135	176	226	185	-91	-9
Учкўприқ	198	232	246	216	-48	16
Риштон	161	181	211	223	-50	-42
Сўх	0	2	9	20	-9	-18
Тошлоқ	209	166	202	209	7	-43
Ўзбекистон	202	249	342	240	-140	9
Фарғона	22	34	235	293	-213	-259
Данғара	84	150	172	187	-88	-37
Фуркат	226	174	184	181	42	-7
Ёзёвон	50	48	78	58	-28	-10

2018 йилнинг январь–март ойларида меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли сони сони 2 030,6 минг кишини ёки доимий аҳоли сонининг 55,9 фоизини ташкил қилди.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь–март ойларида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1 285,7 минг сўмни ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 16,3 фоизга ошди.


Меҳнат ресурслари (январь-март, минг кишида)



**Меҳнат ресурслари
ва меҳнатга лаёқатли аҳоли
(2018 йил январь-мартда, минг киши)**

вилоят бўйича 2 039,9

вилоят бўйича 2 030,6



■ меҳнат ресурслари

■ Меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли сони